

---

## Данғара тумани Оқтепа МФЙда “Ҳоким ва ёшлар” учрашуви ўтказилди.

Учрашувда сектор раҳбарлари, туман ҳокими ўринбосарлари, Ёшлар ишлари агентлиги масъуллари, тижорат банклари раҳбарлари, маҳаллалардаги ёшлар етакчилари, маҳалла ёшлари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Очиқ мулоқот шаклида ўтган навбатдаги учрашувда ҳам ёш авлоднинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантиришга эътибор қаратилди.

Учрашув давомида ёшларнинг мурожаатлари эшитилиб, барча мурожаатлар тегишли тартибда рўйхатга олинди. Ечими топилган мурожаатлар жойида ҳал этилди ва айрим мурожаатлар ҳуқуқий маслаҳат ва тушунчалар билан қониқтирилди.

---

2024-08-15 17:30:27